

2021 йилнинг ўтган даври мобайнида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш юзасидан МАЪЛУМОТ

2021 йил май ҳолатига

2020 йил 25 декабрда илк мартаба ўтказилган “Ўзбекистон ёшлари форуми”да, жорий йил 27 январдаги видеоселектор йиғилиши ҳамда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш юзасидан **150** дан ортиқ **устувор вазифа ва топшириқлар** белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йил **13 апрель** кuni бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида, 2021 йил **II чорақда ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш** мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча **секторлар ва маҳаллалар кесимида режа** тасдиқланди.

Шунга кўра, дастлабки тўрт ойда **850 минг 260 нафар** ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда ёшларнинг **бўш вақтини мазмунли ташкил этиш асосий мақсад** этиб белгиланди.

Ҳар бир туман (шаҳар)ларда **ёшлар баланси** “маҳаллабай” шакллантирилди ҳамда “**Ёшлар дастурлари**” ижроси тизимли йўлга қўйилди.

1. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами **357 минг 864 нафар** ёшларнинг бандлиги таъминланди. Шундан,

- **99 минг 879 нафар** ёшлар доимий ва жамоат ишларига жойлаштирилди;

- **61 минг 959 нафар** ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти учун **1 трлн. 433 млрд. 185 млн. сўм** кредитлар ажратилди;

- **187 минг 881 нафар** ёшларга **52 минг 242 гектар** ер майдонлари ажратилди.

- **9664 нафар** ёшларга субсидия ажратиш ва ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси орқали бандлигига кўмаклашилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **84 минг 011 нафар** ёшлар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди ҳамда **42 минг 787 нафар** ёшлар “1+1” лойиҳаси асосида тадбиркор ва уста-ҳунармандларга бириктирилди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича **маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари** ва **китобхонлик** бўйича алоҳида **календарь режалар** асосида тадбир ва лойиҳалар ўтказилиши “маҳаллабай” йўлга қўйилди.

2. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида **112 минг 473 та инвентарлар** (**13 073 та** мусиқа ва санъат, **93 минг 072 та** спорт инвентар ва жиҳозлари, **6 328 та** компьютер жамланмалари) ҳамда **625 минг 561 та** бадий китоблар таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига етказиб берилди.

Шунингдек, йил бошидан буён маданият ва санъат йўналишида **6 минг 701 та** тўгараклар орқали **124 минг 193 нафар**, спорт йўналишида **9 минг 559 та** тўгараклар орқали **211 минг 874 нафар**, IT йўналишида **5 минг 720 та** тўгараклар орқали **99 минг 257 нафар**, китобхонлик йўналишида **6 минг 34 та** тўгараклар орқали **155 минг 20 нафар** ёшлар қамраб олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **беш муҳим ташаббус** доирасида **70 минг 503 та** тадбир ва лойиҳалар ўтказилиб, **4 млн. 311 минг нафар** ёшлар қамраб олинди.

Шунингдек, **36 минг 87 та** тўгаракларга **873 минг 861 нафар** ёшлар жалб этилди.

Жумладан, маданият ва санъат йўналишида **8 651 та** тўгараклар орқали **215 минг 612 нафар**, спорт йўналишида **12 минг 282 та** тўгараклар орқали **303 минг 140 нафар**, IT йўналишида **8 005 та** тўгараклар орқали **166 минг 382 нафар**, китобхонлик йўналишида **7 149 та** тўгараклар орқали **189 минг 671 нафар** ёшлар қамраб олинди.

3. “Ёшлар дафтари” жамғармаларида жорий йил давомида **167 млрд. 539 млн. сўм** маблағлар шакллантирилди.

Бугунги кунга қадар, ушбу маблағлар ҳисобидан **34 минг 253 нафар** ёшлар қўллаб-қувватланиб, **42 млрд. 371 млн. сўм** маблағ ажратилди.

Республика бўйича **9 168 та** маҳаллаларда 18-30 ёшдаги **6 484 806 нафар** ёшларнинг **5 580 077 нафари** (86 %) **билан бирма-бир мулоқотлар ўтказилди.**

Республиканинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилган мулоқотлар натижасида **672 970 нафар** (*ижтимоий ҳимояга, иқтисодий ва психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож, ишсиз*) ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритилди.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммолари таҳлил қилинганда, **208 385 нафари** ишлаш, **89 907 нафари** тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, **51 458 нафари** тадбиркорларга бириктириш, **52 458 нафари** касб-ҳунарга ўқиш, **133 516 нафарига** деҳқончилик учун ер майдонлари ажратиш, **112 807 нафари** ижтимоий, иқтисодий ва психологик ёрдамга муҳтож, **20 568 нафари** “Устоз-шогирд” анъанаси доирасида уста-хунармандларга бириктириш истагини билдирган.

2021 йилнинг ўтган даври мобайнида, “Ёшлар дафтари”га киритилган **260 227 нафар** ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Жумладан, **55 817 нафар** ёшлар иш билан таъминланди, **23 208 нафар** ёшлар тадбиркорлик фаолиятини бошлади, **26 520 нафар** ёшлар касб-ҳунарга ўқитилди, **133 516 нафар** ёшларГА деҳқончилик учун ер майдонлари ажратилди касб-ҳунарга ўқитилди, **22 385 нафар** ёшлар тадбиркорларга, **5 215 нафар** ёшлар уста-хунармандларга бириктирилди. **15 680 нафар** ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммолари ҳал этилди.

4. “Ёшлар дастурлари” доирасида йил бошидан буён **24 та “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”** ташкил этилиб, **118 та** лойиҳалар йўлга қўйилиши натижасида **843 та** иш ўринлари яратилди.

Жорий йил давомида **3 601 та** стритворкаут ва **497 та** стритбол мандончалари барпо этилди.

Шунингдек, **63 та “Рақамли технологиялар ўқув марказлари”** ташкил этилди.

Туман (шаҳар)ларда сектор раҳбарлари томонидан амалга оширилган ишлар **Республика штаби** томонидан кунлик мониторинг қилиб борилмоқда.